



Савол:

Намознинг 1,3-ракатларида туриб кетишдан олдин бир қиска вақтга ўтириб кейин туришлик қандай амал?

Жавоб:

Намознинг 1,3-ракатларида туриб кетишдан олдин қиска вақтга ўтириб кейин туришликни баъзи уламолар суннат деганлар бу ўтиришни Молик ибн Хувайрис ривоят қилган. Баъзи олимлар бу ўтиришни ҳаммага ҳамсуннат эмас, дейдилар, чунки бу саҳобий расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни ёшлари катта бўлиб қолганда қўрган шунинг учун агар катта одамлар бу суннатга амал қилса яхши дейдилар.

Ким бу амални қиламан деса ёш бўлсин қари бўлсин қилаверсин бу ҳақда ривоят қилинган ҳадис саҳиҳул Бухорийда бор. Бу суннатга имомдан кўра муктадий ёки ёлғиз намоз ўқиётган одам амал қилса яхшироқ. Чунки имом бу суннатга амал қилса-ю муктадийларнинг аксарлари ёки ҳаммалари бунга амал қилмасалар имомдан аввал туриб кетиб уларнинг намозларида ҳалал пайдо бўлиши мумкин.